

РАҲБАР ФАОЛИЯТИДА КЕЧИРИМЛИЛИКНИНГ ЎРНИ

С. Мўминов, ФарДУ профессори,
Д. Ҳасанова, ФарДУ магистранти,
Ш. Мўминов, ФарДУ талабаси

Инсон жамиятда яшар экан, доимий ижтимоий муҳитда бўлиб, бу жараёнда у мулоқотсиз яшай олмайди. Зеро, барча касблардан талаб қилинганидек, айниқса, замонавий раҳбарлик мулоқотсиз амалга ошмайди. Аммо “жамоада меҳнат фаолиятини бошқариш ҳар қандай тизимда ва ҳар қандай шароитда ҳам кўзни ўйнатиб, оғизни кўпиртириб бақириб-чақириб эмас... баъзи раҳбарларнинг ўтмишдан мерос, ҳозиргача қўлланиб келаётган услуби, яъни ходимларга бақириб чақириб, дўқ-пўписа, ҳатто ҳақорат қилиш қўл қўтилган ижобий натижани бермайди...” [8.6]. Шундай экан, раҳбар қўл қўтилган ижобий натижани бермайди ҳамона бошқара олиш қобилиятига эга

Хўш, раҳбар мулоқот маданиятига эга бўлиш учун нималарга эътибор бериши, ишни нимадан бошлаши лозим? Табиийки, ҳамма ҳам онасидан барча қобилиятларнинг соҳиби бўлиб туғилмайди. Айниқса, мулоқот маданиятини, нотиклик маҳоратини эгаллаш учун ойлар, йиллар керак бўлади. Бу икки жиҳат – мулоқот ва нотиклик маҳорати ҳақида сўз кетганда, асосан, тил тарбияси ҳақидаги фикрлар қайта-қайта такрорланади. Аслида бу ўринда тил тарбиясидан ҳам олдин дил тарбияси хусусида қайғуриш лозим. Чунки тил дилнинг таржимони бўлиб, дилда бори тилга чиқади. Шунинг учун асосий курули сўз, нутқ бўлган раҳбарлар, энг аввало, дил тарбиясига алоҳида эътибор беришлари керак бўлади. Дили тарбияланган, қалби пок одамлар эса кечиримли бўладилар.

Ислом динига эътиқод қиладиган ўзбек халқи азал-азалдан бағрикенг, кечиримли бўлганлиги ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай дейди: “Яна бир ҳақиқат шундан иборатки, ўз кучи ва келажагига ишонган халқнинг бағри кенг бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек халқининг илдизлари бақувват, тарихи буюк, келажаги мустаҳкамдир. Бизнинг бошқа халқлардан фарқимиз шуки, халқимиз жуда содда, бағрикенг – бир оғиз яхши гапга жонимизни беришга тайёرمиз. Биз ҳар томонлама бағрикенг, ҳамдард халқимиз...” [2.7].

Кечиримлилик бизга пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)дан мерос эканлиги ҳақида китобларда шундай ёзилади: “Ҳазрати Оиша Розийллоху анху дебдурлар: Жаноби Расули акрам саллоллоху алайҳи васаллам миждози муборақлари шундоқ эдики, таъбларида хулқ беҳаёлик ўзи йўқ эрди... Ва бозорларда баланд овоз ила сўз қилиш одатлари йўқ эрди. Ва бир киши Жанобга ёмонлик қилса, жаноб эса анга ёмонлик қилмас эрдилар. Балки афв этур эрдилар. Ва гуноҳларидан ўтур эрдилар...” [5.80].

Ҳаётда кечириб бўлмас гуноҳлар ҳам бор, албатта. Бу ҳақда “Шарқ ҳикоят ва ривоятлари” китобида қуйидагиларни ўқиймиз: “Хисрав Парвез (Кайкубод – каёнийлар сулоласига мансуб Эрон подшоси) деган экан: - Подшоҳ тўрт тоифа кишиларнинг: биринчиси – унинг мамлакатига қасд қилганлар, иккинчиси – ҳарамига кўз олайтирганлар, учинчиси – сирларини фош этганлар ва тўртинчиси – шоҳ билан тилда биру дилда бегона бўлганлар ва душманлар билан яширинча шоҳга қасд қилганлар гуноҳларини кечирмаслиги керак...” [9.135].

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳақидаги китобларда энг оғир гуноҳларни ҳам кечириб юборганликлари тўғрисида шундай ёзилади: “...Уҳуд ғазотида мусулмонлар аскарининг учдан бири йўлдан орқасига қайтиб кетди. Айримлари эса жанг чоғи сустлашиб, мушрик душманлар орасида Пайғамбар алаҳиссаломни ёлғиз ташлаб, қочиб қолишди. Натижада ул зотга қаттиқ жароҳатлар етди. Аммо расулуллоҳ (с.а.в.) уларга ғазаб қилмадилар...” [7.722].

“Отангни ўлдирганга онангни бер” [10.324] мақолини яратган халқнинг адабиётида ҳам шу мазмундаги фикрлар илгари сурилган:

*“Киши тош урса боша, эй хўжаста,
Кулиб боқил юзига мисли писта.*

